

2cf

Ушбу сонда:

ШАМСИДДИН  
ҲАЛВОНИЙНИ  
ЭСГА  
ОЛАЙЛИК!

ШОДЛИК  
УЙИДАГИ  
БОЛАЛИК

ҚАЧОНГАЧА ДУЧ  
КЕЛГАН ЕРГА  
ЧИҚИНДИ  
ТАШЛАЙМИЗ?

ИЖРО  
ТУЗИЛМАСИДА  
ЕТТИ  
ЛАВОЗИМ



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЖАМИЯТ

№ 4 (640)  
2019 йил  
1 февраль,  
жума

Ижтимоий-сиёсий газет



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



jamiyat@uamail.uz



ЁЛҒОН ҲИСОБОТЛАР,  
БАЖАРИЛМАС ВАЪДАЛАР

3-с.



«TASHKENT CITY»ДА  
ДУВ-ДУВ ГАП

4-с.

ВИРТУАЛ ОЛАМ:  
МУСБАТДАН МАНФИЙГА

5-с.

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 30 январь куни Жиззах вилоятига келди.



# 2019 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН:

Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашни назарда тутувчи янги тизим жорий қилинади.

Педагог кадрларга биринчи ва олий малака тоифаси, етакчи ва бош ўқитувчи лавозими бериш, шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида мазкур малака тоифаси ва лавозимига талабгорларга малака тоифасини беришда тўланадиган йиғимлардан тушадиган маблағнинг 50 фоизи Давлат инспекциясининг бюджетдан ташқари Ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Хозирда 30 кунлик виза режими асосида 19 та давлат фуқаролари Ўзбекистонга ташриф буюраётган бўлса, бу рўйхатга яна 45 та давлат қўшилади.

76 та давлат фуқаролари Ўзбекистонга электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган талабларга жавоб берадиган, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳалол иштирокчиларига соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ ваколатли иқтисодий операторлари институту жорий этилади.

## Ижро тузилмасида етти лавозим

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига етти лавозим киритилди:

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — транспорт вазири;

Бош вазир ўринбосари — молия вазири;

Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари;

Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари;

Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси;

Бош вазирнинг ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси;

Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Бунда Бош вазирнинг маслаҳатчилари Президент билан келишган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга таъинланади ва лавозимдан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси бошқарув ходимларининг чекланган сони 178 (илгари 253) нафар этиб белгиланди.

Бош вазирга масалаларни тартибга солиш ва устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилди.

Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари томонидан ҳужжалик жамиятлари ва компаниялар, шунингдек, давлат улушига эга бўлган бошқа ташкилотлар фаолияти устидан бир вақтнинг ўзида раҳбарлик қилишга йўл қўйилмайди.

«Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексининг божхона постларида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона юк декларациясини тўлдирish бўйича бепул асосда кизмат кўрсатувчи шахсларнинг махсус гуруҳи — «фронт-офис» тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича дастлабки лойиҳа амалга оширилади.

Қаттиқ маиший ва суюқ ҳолдаги чиқиндиларни аҳоли, ташкилот ва корхоналардан олиб чиқиб кетиш тарифи ошади.

Тарифлар куйидаги суммани ташкил қилади:

— Каттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш — жисмоний шахслардан:

✓ бир киши учун бир ойга — 4500 сўм

— Каттиқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш:

✓ бюджет ташкилотларидан 1 метр куб учун — 53989,56 сўм;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 метр куб учун — 53986,56 сўм;


— Суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш:

✓ бюджет ташкилотларидан 1 тоннага — 20174,12 сўм;

✓ хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 тоннага — 20174,12 сўм;

— НД-310 русумли автомобилларда чиқиндиларни қайта юклаш станцияларидан:

✓ (Яшнобод, Яккасарой ва Юнусобод ЧКЮШ) «Оҳангарон» чиқиндиҳисобига олиб бориш 1 тоннаси учун — 15015,8 сўм.



## Вазирликлар сони ортди

Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси негизда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди.

Вазирлик ҳузирида Тариф ва нота-риф тартибга солиш кенгаши, Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Технологик ривожланиш агентлиги тузилди.

Қиймати 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги келишувлар Вазирлик билан олдиндан келишилиши шарт.

2019 йил 1 мартга «Инвестиция портали»да инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инвесторлар мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларининг марказлашган маълумотлар базаси яратилади. 1 июлдан эса инвесторлар билан ўзаро алоқалар «ягона дарча» таъмоили асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази қошида ташқи савдо ва экспорт асослари бўйича бепул курслар ташкил этилди.

Ҳукуматнинг давлат ривожланиш дастурларини молиялаштириш функцияси Молия вазирлигига юкланди. Шунингдек, «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК тугатилади.

2019 йил 1 июнча Ўзбекистон Республикасининг интерактив инвестициявий харитаси ишлаб чиқилади.

## Жарима майдончалари кутяпти

Шу йилнинг 30 январь санасидан Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги МИБ ходимлари ҳамкорлигида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жаримани ўз вақтида тўламаган ҳайдовчиларни аниқлаш ва уларнинг автотранспорт воситаларини жарима майдончаларига киритиш тadbирлари бошланди.

Қайд этилишича, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига асосан транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриклан ўтказиш қонун

ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартароф этилган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилганга қадар амалга оширилиши мумкин.

Хусусан, жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича транспорт воситаларини жарима солиш ҳақидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олти кун ўтгач, жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунча ушлаб туриш тўғрисида ёзма кўрсатма беради.



## Бизда илк бор

Мамлакатимизда биринчи марта «Халқаро армия ўйинлари — 2019» танловининг «Харбий-тиббий эстафета» йўналиши ўтказилади.

«АрМИ — 2018» ўйинлари Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Эрон, Қозғоғистон, Хитой ва Россия каби давлатларда 28 йўналиш бўйича бўлиб ўтган. Унда дунёнинг 32 мамлакатидан келган ҳарбийлар иштирок этган. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари танловнинг 12 йўналишида қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 6-ўринни қўлга киритган.

Бу йилги Халқаро армия ўйинлари Жиззах вилоятидаги «Фориш» тоғ-дала ўқув майдонида ўтказилиши режалаштирилмоқда.



1 февралдан «GM Uzbekistan» автомобилларга кафолатли хизмат кўрсатиш муддатини узайтирди.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадида дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Хонқа туманидаги «Олажа» қишлоғи «Ширин» маҳалласида 124 та уй-жой қурилиши режалаштирилган эди. Хонқа туман ҳоқими О.Жуманазаровнинг маълум қилишича, ушбу уй-жойларнинг 78 таси фойдаланишга топширилган бўлиб, янги уйларнинг соҳиблари кўчиб ўтган экан...**

**Хабарингиз борми, йўқми, мазкур ҳудуддаги ноҳуш ҳолатлар интернет тармоқларида ҳам тарқалиб улгурди. Бу масалаларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканини билиш мақсадида бир нечта мутасаддилар билан аҳволни ўрганишга бордик.**



баллонларини хавфсиз жойга ўрнатиш назарда тутилмаган? Қолаверса, кўпчилик хонадонларда ногиронлар бўлса, нима учун ушбу уйларни газлаштирилган ҳудудда жойлаштириш ёки қурилиш давомида газлаштириш масаласи режалаштирилмаган?», деган саволларимизга мутасаддилар тўлиқ жавоб бера олмай, аҳоли шикоятидан кейин ҳозирда газлаштириш ишлари бошлаб юборилганини маълум қилди, холос.

Чиндан ҳам, вилоят ҳокимлигида 10 январда бўлиб ўтган йиғилишнинг 19-сонли баёни қарорига кўра, Хонқа туман «Олажа» қишлоғи «Ширин» маҳалласида 124 та уй-жойнинг газлаштириш ишларини газдан ажратилган бошқа ҳудудларда демонтаж қилинган қувурлардан фойдаланиб амалга ошириш режалаштирилган.

Хонадон соҳибларининг эътирозига сабаб бўлаётган уй сифати ва йўллар хусусидаги масалага эса «Қишлоқ қурилиш инжиниринг» компанияси Хоразм вилоят бўлимининг лойиҳаларни бошқариш ва техник назорат бўлими бошлиғи Ражаббой Саляев ойдинлик киритди:

— Уй эгаларининг йўллар ва уй сифати хусусидаги эътирозлари ўринли. Негаки, қурилиш билан боғлиқ тadbирлар кечиктиб ўтказилгани учун ишлар июль ойида бошланди. Табиийки, пардозлаш ишлари учун кулай иссиқ кунлар бой берилди. Шу боис қурувчиларнинг ишларида айрим камчиликлар бор. Лекин барча пудратчилар об-ҳаво имкон бериши билан ҳар бир хонадондаги камчиликларни тўлиқ бартараф қилиш мажбуриятини олди. Ҳозирги кунда қурувчилар уйма-уй юриб, камчиликларни бирма-бир аниқламоқда. Қурилишда шовша-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди.

Газ ҳам келар, қурилишдаги камчиликлар ҳам бартараф қилинар. Аммо бизни бир савол қизиқтиради. Хоразмда йўқ жойдан муаммо пайдо қилиб, кейинчалик унинг ечимини излаш одатий ҳолми? Бирон бир ишни амалга оширишдан аввал мутасаддилар пухта режа тузганида инсон манфаатлари ва уларга яратилаётган шароитларнинг қулайлиги инobatта олинганида халқ рози бўлган, норизоликларга, шикоятларга ўрин қолмаган бўларди. Бугунги кунда олиб борилаётган сиёсатнинг бош мақсади халқни рози қилиш, уларнинг яшаши, ишлаши ва дам олиши учун барча шароитларни яратиб бериш эканини айрим мутасаддилар яна бир бор эста олсалар ёмон бўлмас эди. Кўзбўямачилик, ёлғон ҳисоботлар, ура-урачиликка барҳам бериб, юртимиз раванга, халқимизнинг фаровонлиги учун сидқидилдан, виждонан ишлаш вақти келди.

Буни қачон англаб етамиз?

Давлатназар РЎЗМЕТОВ

## ЁЛҒОН ҲИСОБОТЛАР, БАЖАРИЛМАС ВАЪДАЛАР

*Хоразмда йўқ жойдан муаммо пайдо қилиб, кейин унинг ечимини излаш одатий ҳол...ми?*

Хусусан, туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Дониёр Собиров ҳамроҳлигида янги уй соҳибларига яратилган шароитлар билан танишдик. Очиғини айтиш лозим, янги уйлар жойлашган кўчаларнинг ўнқир-чўнқир, лойга ботиб, сал олдин ёққан қорнинг эришидан кейин пайдо бўлган кўлмақлар обод кўчалар хусусидаги фикрларимизни пучга чиқарди. Хонадонларга кириш учун сирпанчик лойдан зўрга ўтиб, уй соҳиблари билан таниша бошладик.

— Мустақиллик байрами арафасида Хива шаҳрида вилоят ҳоқими тантанали равишда «Президент совғаси» сифатида янги уйларнинг калитларини топширди, — дейди биз билан суҳбатда икки фарзанднинг онаси Замира Ҳамроева. — Бундан қувончимиз чексиз эди. Бироқ кейин билсак, биз калитини олган уйларнинг қурилиши эндигина бошланган экан... Амаллаб янги йил арафасида янги уйларга кўчиб ўтдик. Аҳволимизни кўриб турибсиз: турмуш ўртоғим ва болаликдан ногирон икки нафар фарзандимиз билан бир хонани электр иситиш мосламалари ёрдамида иситиб, жон сақлаямиз. Қолбуки, бизга ўша пайтда уйлар, албатта, газ тармоғига уланишини ваъда қилишганди. Йўлларимизнинг аҳволи эса янада абгор. Рост, ўзимизни алдангандек ҳис қиляпмиз. Тўғри, давлатимиз томонидан бизга мурувват кўрсатилиб, бошланғич тўлов тўлаб берилди. Бироқ ҳали 15 йил давомида яна 300 миллион сўмдан ортиқ пулни тўлашимиз керак. Бундан кўринадики, пешона теримиз билан топадиган пулларимиз эвазига олинаётган ушбу уйларнинг сифати ҳам, шароити ҳам ўз нархига мутаносиб эмас.


Жўрабек Ражабов ва унинг турмуш ўртоғи Манзура Сатторова ҳам қар-соқов. Шундай бўлса-да, бир амаллаб, имо-ишора билан уйни иситиш имкони йўқлиги, ёш болаларнинг касалликдан боши чиқмаётгани учун кун ора «тез тиббий ёрдам» чақиришга мажбур бўлаётганини тушунтирди. Уй-

**Рости, ўзимизни алдангандек ҳис қиляпмиз. Тўғри, давлатимиз томонидан бизга мурувват кўрсатилиб, бошланғич тўлов тўлаб берилди. Бироқ ҳали 15 йил давомида яна 300 миллион сўмдан ортиқ пулни тўлашимиз керак. Бундан кўринадики, пешона теримиз билан топадиган пулларимиз эвазига олинаётган ушбу уйларнинг сифати ҳам, шароити ҳам ўз нархига мутаносиб эмас.**

ларнинг зах босиб, моғорлаб кетаётганини кўрсатди. Яна бир уй соҳибаси Озода Ражабова эшиклар ўта сифатсизлиги, «очилса, ёпилмай, ёпилса, очилмай» қолишини айтиб, эшикларга кўрпа осиб, совуқ кунларда жон сақлаётганидан нолиди.

— Бизга уйни иситиш учун беш-олти қолдан кўмир тарқатишди. Аниқроғи, кўмирнинг «уни», уни ёқиб, уйни иситишнинг имкони йўқ. Ўтин сотиб олай десанг, пул йўқ. Мутасаддилар келиб, тўғрилаймиз, ҳал қиламиз каби ваъдалардан нарига ўтмайди. Боз устига ҳамманинг ошхонасида суюлтирилган газ баллонлари турибди. Айримлар кечаси совуқдан жон сақлаш учун шу газ баллонини ёқиб, тулни ўтказишга мажбур. Худо кўрсатмасин, бирор қор-ҳол бўлса ёки ис газидан захарланса, нима бўлади? Балки мутасаддилар шундан кейин баллон мўаммоларимизни тинглашар, — дейди яна бир фуқаро Ирода Хўжакова.

Туман ҳоқими бизга ушбу уйлар бошиданоқ муқобил ёнилғига мослаштирилган лойиҳа асосида қурилиши мўлжалланганини тушунтирди. Шундай экан, «Нима учун сифатли кўмир билан таъминлаш чораси кўрилмаган? Нима учун суюлтирилган газ



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг «Давлат ва фуқаролар ҳамкорлигининг замонавий механизми» грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Ҳиндистон компанияси Сурхондарёда «Termiz City» куради.



# ШАМСИДДИН ҲАЛВОНИЙНИ ЭСГА ОЛАЙЛИК!



**Хабарингиз бор, Қарши Ҳуманидаги Қовчин қишлоғида Калом илмининг буюқ даргаларидан бири Абул Мўъийн ан-Насафий абадий кўним топган манзил жойлашган. Мотуридия таълимоти-нинг фаол тарғиботчиси бўлгани боис бу алломанинг қабрини баъзилар Самарқандда деб ҳисобларди. Сўнгги тадқиқотлару ўрганишлар давомида ушбу улуг зотнинг муборак қабри Қашқа воҳасида экани маълум бўлди.**

Президентимизнинг 2018 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида айтган фикрлари, хусусан, Абул Мўъийн ан-Насафий абадий кўним топган манзилни ободонлаштириб, зиёратгоҳга айлантириш ҳамда бу даргоҳда катта кутубхона, жоме масжиди, музей бунёд этиш ҳақидаги кўрсатмаси воҳа аҳлини, шунингдек, барча юртдошларимизни ниҳоятда қувонтирди.

## Яна бир манзил бор...

Зиёратга келган кишиларнинг кўпчилиги мажмуадан ҳамаси беш юз метр масофада ўрта асрнинг машҳур фақиҳ-мутакаллим Шамсиддин Ҳалвоний манзилгоҳ борлигидан хабар топиб, тавоф этгани бормоқда.

Ҳолвапазлик билан шуғулланган бу шахс Ҳанафия таълимоти-нинг минг йиллар бурун Мовароуннахр заминига кенг ёйилишида хизмат қилган. Бу ҳақда XVI асрда яшаган туркиялик фикшунос олим ибн Камолпошо мовароуннахрлик олти фикҳ ҳақида сўз юритар экан, уларнинг қаторида ал-Ҳалвонийнинг номини ҳам тилга олади.

Манбаларга кўра, Шамсиддин Ҳалвоний Фахрулислом Али Паздавий, ас-Сарахсий, Абул Юсур ал-Паздавий, ал-Заранжий, Абул Мўъийн Насафий сингари машҳур алломаларга устозлик қилган. Ўз даврида Фахрулислом Али Паздавий ислом оламида машҳур фикҳ олими Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ан-Насафийга, у киши эса ислом фикшунослиги намояндаси, «Ҳидоя» асари муаллифи Бурҳониддин ал-Марғино-

нийга устозлик қилган. Бу ҳам Ҳалвонийнинг илмий салоҳияти нечоғлик юқори бўлганини тасдиқлайди. Бироқ...

Аллома шундай улуг зот бўлса-да, унинг қабри жойлашган ҳудуд бугунги кунда хароб ва қаровиз ҳолда экани ҳар қандай кишини таажжубга солади, ўйлантиради. Ўз даврида (XI-XII аср) олдий паҳса ва хом гиштдан моҳирона тикланган қулоҳи гумбазли мажмуа ҳозирда асл қиёфасини деярли йўқотган. Йиллар ва табиат ҳодисалари, кишиларнинг эътиборсизлиги биноларга ўз таъсирини ўтказиб улгурган. Шунингдек, термит (вахмай) лар ҳам қараб турмаган, сомону ёғоч бор жойларни кемириб ташлаган. Қадимий эшиқлар ва иморатлар хароб ҳолга келиб қолганининг боиси ҳам ана шундан!

## Энг қадимийси...

Ваҳоланки, алломанинг бу ердаги қабри ва мажмуа тузилиш тарҳи буйича вилоятдаги энг қадимийсидир. Ундаги гишт ва сопол қопламалар мелодий X-XI асрларга тааллуқли. Қабрнинг шимол ва жануб томонидаги ўзига хос сопол қопламалар юзасида араб тилидаги битиклар мавжуд. «Шамсул-аннимма» битиги Ҳалвонийга берилган шарафли унвон бўлиб, «Имомлар кўеши» маъносини англатади. Ушбу таърифнинг ўзиёқ аллома ўз даврида қай даражада улуғланганини кўрсатиб турибди.

Ўз бағрида минг йиллик мазини асраб келаётган мажмуа оралиб юраркансиз, унинг ғариб ҳолатини кўриб, кўнгил ўртанади. Биноларга қараб турган киши кўз ўнгиде тўё фарзандларининг бепарволиги ва лоқайдлиги сабаб букчайиб қолган ота гавдаланади.

Ҳазрат Беруний, Алишер Навоий каби аждоғларимизнинг кўш-ни Афғонистондаги хароб қабрларини зангори экран орқали кўриб, дилимиз қанчалар эзилган, гама тўлганди! Улар-ку бошқа давлат ҳудудиде эди, лекин Ҳалвоний мажмуаси-чи?!

Балки аллома ва мажмуани айрим мутасаддилар унутишган бўлса, бордир. Лекин 2013 йилнинг 1 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унда Шамсиддин Ҳалвоний зиёратгоҳини таъмирлаш учун давлатимиз томонидан 100 минг АҚШ доллари ажратилиши ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Мана,

орадан шунча вақт ўтди ҳамки, бу борада бирор ишга қўл урилгани йўқ!

Тўғри, дастлабки йили мақбара Вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекцияси томонидан буткул бузиб, янгисини қуриш ишлари бошлангандек бўлди. Бироқ кўп вақт ўтмасдан, қурилиш ишлари тўхтаб қолди. Ачинарлиси, воҳада энг қадимий саналган нодир кўри-нишдаги қабр очиқ ҳавода қолиб кетди! Натижада 2017 йил охири ва 2018 йил бошидаги қор-ёмғирлар таъсирида қабр битиклари ҳамда сопол қопламаларга жиддий шикаст етди. Ҳатто, битикларнинг бир қисми ўқиб бўлмас даражага келиб қолди! Ҳолбуки, бундай қадимий архитектура биноларини асраб-авайлашга масъул этиб бириктирилган идоралар бор. Вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекцияси эса бунга асосий масъул ва жавобгар ташкилотдир.

— Ҳа, 2013 йилда мазкур зиёратгоҳни таъмирлаш учун маблағ ажратилиши ҳукуматимиз томонидан белгиланган эди, — дейди инспекция бошлиғи Жаҳонгир Халилов. — Аммо ҳеч қандай пул ажратилмади. Бу ҳақда Маданият вазирлиги ва бошқа мутасаддиларга бир неча бор мурожаат ҳам қилдик. Афсус, бирор натижага эриша олмадик...

Хуллас, ўша маблағнинг нега ажратилмагани ва масъулларнинг мазкур масалага бефарқлиги суриштирилверса, асосий мавзу қолиб кетади. Бундан эса наф йўқ! 2018 йилга ҳам яқин ясалди, зиёратгоҳдаги биргина мақбара қурилиши чалалигича турибди. Кечиктирмасдан зиёратгоҳни тиклашга киришиш керак, акс ҳолда яқин орада қадимий мажмуа қолдиқларидан ном-нишон қолмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, вақтни бой бермасдан, улардан нусха олиб, кириш пештоқи, хўжалик хоналари ва бошқа иншоотларни қайта тикласа бўлади. Ҳозирча имкон бор, бироқ яна пайсалга солинадиган бўлса...

## Ташаббус ўзимиздан ҳам чиқсин!

**Ковчин қишлоғидаги бу кикки мажмуа юртимизга келадиган сайёҳлар оқими янада кўпайишига муносиб ҳисса кўйиши шубҳасиз! Қолаверса, имом Мўъийн зиёратгоҳ-мажмуаси қуриб битирилгач, давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш ишларини келиб кўриши аниқ. Дейлик, Президентимиз Шамсиддин Ҳалвоний зиёратгоҳи ҳақида ҳам суриштирса, мутасаддилар қандай жавоб қайтарар экан?!**

Зиммаимиздаги масъулиятни янаям чуқурроқ ҳис этадиган бўлсак, ушбу зиёратгоҳни ҳам таъмирлаш ва муҳташам манзилга айлантириш учун яна давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва тавсияларини кутиб туриш ярашмайди! Ташаббус ўзимиздан чиқса, Юртбошимиз ҳам, халқимиз ҳам бирдек мамнун бўлади.

**Шомурод ШАРОПОВ,  
Бекзод САЙФИЕВ,  
Қашқадарё вилояти.**

# «Tashkent city» да дув-дув гап



**«Tashkent city» — азиятнинг «Ўқчи» ва «Ол-лашар» маҳаллалари жойлашган ҳудуд ўрнида бунёд этилаётган халқаро ишбилармонлик маркази. Шунинг баробарида одамлар яшаши, ишлаши, яъни социал ҳаёти ва иш жойи бир жойда бўлган, қолаверса, савдо нуқталари ҳам бир ерда жам бўлган Марказий Осиёдаги ягона мажмуа.**

Бу ҳақда «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик марказида Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик маркази фаолиятига бағишланган матбуот анжуманида алоҳида қайд этилди.

Таъкидланишича, «Tashkent city»-нинг 80 гектарли ҳудуди 8 та лотга бўлинади. У ерда бизнес-марказлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, офислар, Конгресс-холл, кўرғазма заллари, Бродвей кўчалари, тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари, майдони 20 гектарга яқин бўлган ерда боз ташкил этилиб, ичида икки гектарлик сунъий қўл ва фавворалар қад ростлайди.

— Ҳозирда бу ерда 4 минг нафардан ортиқ одам иш билан таъминланган, уларнинг 2 минг нафарга яқини Россиядан қайтган малакали қурувчилардир, — дейди «Tashkent city» қурилиши бўйича директори Шерзод Исроилов. — Бу ерда ўртача мош 1,5 миллиондан 8 миллионгача бўлиб, у иш мутахассислигига қараб тўланапти. Ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Пойтахтда доимий яшаш жойи мавжуд бўлмаган ишчиларга ётоқхона берилган.

Анжуманда қайд этилишича, бу ҳудудда қад ростлаётган «Dream city»даги уйларнинг 1 метр квадратининг нархи 700 АҚШ доллари миқдориде. Сотув ишлари бўйича масъул ходимнинг маълумотига кўра, ҳозиргача 90 фоз уйлар сотилган. Ушбу харидорлар орасида афсонавий боксчи Майк Тайсоннинг борлиги ҳам ҳақиқат.

**Баҳринисо МАДУМАРОВА,  
«Жамият» муҳбири**



**ЮНЕСКО экспертлари Самарқанднинг тарихий қисмидаги тураржойларни бузмасликни тавсия қилди.**

**Венесуэладаги ҳозирги ҳолат дунёни яна иккига ажратиб юбормоқда. Бунга қуйидаги диаграммадан ҳам кўришингиз мумкин:**

■ Guaydoni qo'llab-quvvatlash ■ Maduroga yordam berish ■ Muloqotga chaqiruvchilar



Аммо асосий масала бу эмас. Венесуэладаги воқеаларни кузатаётган оддий одамлар буларнинг барчаси табиий равишда рўй бераётган, деб ўйлаётган бўлса не ажаб. Бироқ мустақил бир давлатда халқ томонидан сайланган президентга қарши очiqча саботаж уюштирилиб, парламент раҳбари ўзини президент вазифасини бажарувчи, деб эълон қилиши, бунинг оқибатида халқ иккига бўлиниб, мамлакатда нотинчлик рўй бераётгани ўз-ўзидан содир бўлмаяпти. Мазкур жараёнлар пухта ўйланган тadbирлар туфайли келиб чиқмоқдаки, мазкур мақолада ушбу «спектакль»ни ташкиллаштиришда қўлланилаётган айрим усулларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Венесуэлада нима бўляпти ўзи?**

**2018 йил** мамлакат Президентлигига ўтказилган сайловларда амалдаги президент Николас Мадуро 67,79 фоиз овоз билан ғалаба қозонди. Россия ва Хитой билан яқин алоқадорлиги учун у минтақадаги йирик кучлар томонидан хуш кўрилмас эди. Нега бир кичик мамлакат раҳбарининг сиёсий позицияси катта кучларни безовта қилади, деган саволга эса қуйида келтирилаётган диаграммага назар ташланса, жавоб ойдинлашади:



Албатта, энг асосийси, Хуан Гуайдо-ни қўллаб-қувватловчиларни топиш, уларни сотиб олиш учун каттагина маблағ зарур. Ўзларини дунё сиёсатининг хожаси, деб билладиган кучлар учун бу пул миқдорининг аҳамияти йўқ. Чунки дунёдаги энг йирик халқроқ валюта-нинг банкноталарини босиш ҳуқуқи айнан уларнинг қўлида-ку, ахир.

Шунга қарамай, бутун бир халқни сотиб олиш имконсиз. Венесуэдаликлар қизиққон бўлса-да, шуурсиз эмас. Шу сабабли ҳам «бююртмачилар» катта пул эвазига уч-тўрт минг кишини ўз томонларига оғдириб, кейинчалик улар орқали халқнинг асосий қисмини ўз танловидан воз кечтиришга эришишни кўзлагани аниқ. Мана шу нуқтада бир жиҳатга эътибор беринг — йиллардирки, Венесуэла президенти Николас Мадуронинг фейсбукдаги саҳифаси верификациядан ўтганига қарамадан, ушбу жараёнлар бошланиши билан фейсбук унинг саҳифасидан верификация белгисини олиб қўйди. Бу белги сал ўтмай, ўзини Президент вазифасини бажарувчи деб эълон қилган Хуан Гуайдо саҳифасида пайдо бўлиб қолганига нима дейсиз?! Қизиқ-а? Ўзини фақат тижорат компанияси ўлароқ танитаётган ва қайта-қайта бизнинг сиёсатга алоқамиз йўқ, дейётган компания нега сиёсий жараёнларга таъсир ўтказувчи қадамни қўйди? Айтилмас ҳам англашмаллидан

ҳақиқатга кенгроқ тўхталиш шартмас менимча...

Айнан ана шу ҳолат ушбу мақолани ёзишимга туртки бўлди. Яъни, мени бир савол қийнади: Худонинг ўзи асра-сини, давлатимиз бошига ҳам шундай синов тушса, бундай вазиятда Фейсбук ва бошқа ижтимоий тармоқларда вақт ўтказётган ўзбекистонликларни қандай бишлаштириш мумкин? Халқ ва омма фикрини шакллантирувчи миллий механизмлар борми? Венесуэладаги нотинчликларни келтириб чиқарган омишлар, юқориди айтиб ўтганимиз, Фейсбук билан юз берган ҳолат кўрсатмоқдаки, ташқи кучлар ўз манфаатлари йўлида исталган усулдан фойдаланишдан тап тортмайди.

**Биздаги ҳолат**

Бугун деярли барча давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларига, айримлари эса Телеграмда каналларига эга. Фейсбукда ҳатто Олий Мажлис депутатларидан тортиб, Бош вазир ўринбосарларининг ҳам саҳифаларини учратиш мумкин. Прези-

**ВИРТУАЛ ОЛАМ: МУСБАТДАН МАНФИЙГА**

дент Мирзиёев томонидан олиб борилаётган очиклик сиёсатининг талаби ўлароқ, очилган мазкур саҳифалар амалдорларнинг халқ билан яқинлашувида муҳим аҳамиятга эга.

Олдий аҳоли раҳбарлар билан очикча мулоқот қила олиш, ўзларини қизиқтирган маълумот ёки қийнаётган муаммони ечишда ёрдам сўраш, муножаат қилиш имкониятига эга бўлиши шарт. Қолаверса, жамоатчилик назоратини ўрнатишда, жамоатчилик фикрини ўрганишда бу муҳим ва керакли инструмент. Бугун дунё миқёсида ижтимоий муносабатлар ва жамоатчилик назорати ўрнатилишида ижтимоий тармоқларнинг ўрни ошиб бормоқда. Бу ҳақиқат. Аммо фойдаланётганимиз бу платформалар кимники? Бу майдон кимники?

Бир мисол келтираман (асранганни Худо асрайди): ҳозир телеграмда канал юритиш урф бўлган. Биргина диний тарғибот соҳасини олайлик. Бугун ўзбек тилида фаолият юритувчи мингдан зиёд диний телеграм каналлари мавжуд. Шулардан 38 фоизи бизнинг мадҳабимиз ва диний қарашларимизга мос, қисқа қилиб айтганда радикал бўлмаган каналлар. 44 фоизи эса радикал ва экстремистик каналлар. 18 фоизи эса коммерциялашган, яъни диний маълумотлар тақдим этиш эвазига аудитория йиғиб, шу орқали реклама фаолияти билан шуғуланувчи каналлардир. Яъники, ўзбекча айтганда, диндан фойдаланиб пул топувчи каналлар. Кўпчилик мутахассислар бу каналларни на фойдалани ва на зарарли, деб баҳолашади, шахсан мен уларни зарарли каналлар деб ҳисоблайман.

**Биз ҳозир ижтимоий тармоқнинг бир кўриниши бўлган телеграм ҳақида гапиряпмиз. Халқроқ таҳлил инстутлари маълумотига кўра, Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган ИШИД экстремистик ташкилоти сафига ёлланганларнинг 81 фоизи онлайн, яъни Интернет орқали байъат келтиргани ижтимоий тармоқлар кучини жиддий қабул қилиш кераклигини кўрсатади. Мана ҳозирги ҳолатимиз: 38 фоизга қарши 62 фоиз. Яъни радикал гуруҳлар Телеграм каналлари сон жиҳатидан биздан шундоқ ҳам устунликка эга. Энди тасаввур қилинг: бир кунда шу 38 фоиз ҳам блокраниб қолса нима бўлади?**

Яна бир мисол: дейлик Фейсбук тармоғида Ўзбекистон Марказий банки ва Валюта биржаси саҳифаларида айни онда эртадан Ўзбекистон сўми икки ба-

рбар қадрсизланиши кутилаётгани ва фуқароларга ўз нақд пулларини тезлик билан ярим кун давомида чет эл валютасига алмаштириш тавсия этилади, қабилдаги маълумот эълон қилинса, нима бўлади? Юз минглаб одамларнинг эрталабдан банк олдида тўпланишини, тўс-тўполон вужудга келишини, токи давлат ўз телеканаллари ва газеталари орқали бу хабарнинг фэйк (ёлғон) эканини аҳолига етказганига қадар нималар содир бўлишини, бу сохта хабар бўлгани айтилгани тақдирда ҳам, бекорга бу маълумот чиқмаган деб бор будини валютага алмаштириб қўяман, деб аҳдидан қайтмаслар ҳаракатлари нималарга олиб келади? Биржа катировкалари ва банк тизимига бир кунда қанча зарар келтирилади, биласизми? Давлат камида триллион сўм зарар кўради. Бунақаси бўлмайди дегувчиларга эса бир ҳақиқат-ни эслатиб ўтмоқчиман: исталган электрон тизим унинг эгалари қандай хоҳласа, ўшандай ишлайди.

Николас Мадуронинг фейсбукдаги саҳифаси билан боғлиқ юқориди ҳолат бунинг кичик исботларидан бири, холос. Яна бир даҳшатли мисол: биз бугун интернетни ер орқали бошқа мамлакатдан олиб келамиз. Ўзбекистондаги тўлов тизимларининг барчаси интернет билан боғлиқ бўлгани ҳолда, учинчи мамлакат интернетни бир кунга ўчириб қўйса, нима бўлади, тасаввур қилолаемизми?

Мулоқот.уз, Давра.уз каби миллий лойиҳалар нега ривожланмай қолиб кетганлигининг объектив ва субъектив сабаблари кўп. Лекин, кўриниб турган ҳақиқат шуки, бугун миллий электрон тизимлар, майдонлар, энг асосийси, бошқа давлат чегарасидан кириб келмаган Интернет тизими керак.

Афсуски, бугун зўр фойдаланяпмиз дея ўзимизни овуғтаётганимиз Фейсбук тармоғидаги ҳолатимиз анча ачинарли. Биргина мисол келтираман: Фейсбукда — «Халқ билан мулоқот» деган гуруҳ бор. Бу гуруҳга назар ташласангиз аксарият ҳолларда верификациядан ўтмаган сохта профиллар орқали шахсларни обрўсизлантириш ёки сиёсий ислохотларга нисбатан ишончсизлик уйғотишга йўналтирилган постлар қўйилган ҳолатлари учраб туради. Албатта, эркин фикр билдириш ҳуқуқи қонунда белгиланган ва таъминланган. Бу гуруҳ ҳам худди шунинг учун ташкил этилган. Аммо бу сохта профиллар, троллар учун майдон дегани эмас-ку?!

Президент Мирзиёев мамлакатда шунча ижтимоий муаммолар турган вақтда нега фазода ўз сунъий йўлдошимиз бўлиши кераклигини айтаётганининг моҳиятини энди тушунаётганимиз — Интернет, кибер қарамликка барҳам бериш учун; Интернетга қайсидир давлат орқали эмас, тўғридан-тўғри уланishi учун. Яъники, ўзимиз англаб етмаганимиз, ҳис қилмаганимиз кибер қарамликка барҳам бериш учун керак бу.

Биз кибер қарам эмасмиз, дея озгимизга уришга, бу ҳақиқатни тан олмадикка ҳаракат қилувчи «марънавий яловбардорларига эса бир маълумот келтириб ўтамиз: миллий маънавий тарғибот Телеграм каналларининг сони 2018 йил декабр ҳолатига тахминан 156 та, ўзбек тилидаги порнографик каналлар сони 400 дан зиёд. Хулоса ўзингиздан.

Саид-Абдулазиз ЮСУПОВ



Энди бир мактабдан иккинчисига ўтишда маҳалладан маълумотнома талаб этилмайди.



**Б**угунги кунда Фаргона вилоятида 775 та давлат ҳамда 331 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган бир йил мобайнида вилоятда болаларни боғчаларга қамраб олиш кўрсаткичи 122 минг 390 нафарга яқинлашгани ҳам соҳа ривожига қаратилган эътибор ва рағбат нечоғли юқори эканидан далолат.

## ШОДЛИК УЙИДАГИ БОЛАЛИК

Фаргона тумани мактабгача таълим бўлими томонидан соҳада янгилаш ва ўзгаришлар, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда туманда 52 та давлат ва 22 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатяпти. Уларда 3-7 ёшли болалар қамрови 50 фоизга етказилиб, 7091 нафар кичкинтой таълим-тарбия олмақда. Хусусан, 35-сонли мактабгача таълим муассасаси 130 нафар болани ўзида жамлаган. Муассасада болаларнинг замонавий билим ва кўникмага эга бўлиши учун барча шароит муҳайё. Бу даргоҳдаги ҳар бир машғулот малакали педагоглар томонидан инновацион усулда олиб борилади. Бундан болалар ҳам, ота-оналарнинг ҳам кўнгли шод.

Туман марказида жойлашган 2-сонли мактабгача таълим муассасасида эса 8 та гуруҳда 220 нафар бола тарбияланаётган. Боғчада болажонларга сифатли таълим-тарбия бериш мақсадида турли тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Айниқса, спорт, рақс, инглиз ҳамда рус тилидаги тўғараклар келажак бунёдкори бўлган кичкинтойлар камоли учун ҳар томонлама фойдалидир.

— Тарбиячининг ҳар томонлама пухта билимга эгаллиги ва намунали бўлгани яхши, — дейди **Фаргона тумани мактабгача таълим муассасаси бўлими муди-**

**раси Қамбарой Аҳмаджонова.** — Шунда тарбияланаётган боланинг келажатидан хотиржам бўламиз. Шу боис таълим си-

Яқинда «Kids Avenue» нодавлат мактабгача таълим муассасаси 30 нафар кичкинтойни ўз бағрига олди. Муасса-

ни бошлаб берди, — дейди **муассаса мудираси Гулнур Икромова.** — Хукуматимиз томонидан яратилаётган имтиёз ва шароитлардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Келгусида қўшимча гуруҳлар ташкил этиш орқали яна 50 нафарга яқин болажон тарбияланувчиларимиз сафига қўшилади.

«Зилола Камола келажиги» нодавлат мактабгача таълим муассасасида болаларнинг мукамал таълим-тарбия олиши учун зарур шароитлар муҳайё этилган. Болалар кутубхонаси, ёзги ўйингоҳ, айвончалар, сузиш ҳавзаси, спорт майдончаси, 2 та гуруҳга мўлжалланган бежирим ётоқхона ва машғулот хоналари, овқатланиш хонаси, мусиқа зали, айниқса, тарбиявий ўйинчоқлар ва ранг-баранг ўқув қуроллари ҳар қандай болажонни мазкур маскан бағрига чорлайди.

Бир сўз билан айтганда, Фарғонадаги ҳар бир замонавий мактабгача таълим муассасаси том маънода шодлик уйига айланган. Чунки уларда кичкинтойларнинг тақдорланмас болалик фасли қувончга тўла, ширин орзулар оғушида ўтмоқда. Бу эса ота-оналарга фарзанди келажатидан мамнунлик, хотиржамлик улашмоқда.

**Рустам МАМАЖОНОВ,**  
**Фаргона вилояти.**



фатини яхшилаш мақсадида малакали педагоглар ва ходимларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Туманимизда боғча ёшидаги болаларнинг қамраб олиш кўрсаткичи 2017 йилга нисбатан 20 фоизга ошди. Албатта, бу келажак ворисларини соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш йўлидаги саяё-ҳаракатлар самарасидир.

сада «Болажон», «Билимдон» дастурлари асосида машғулотлар йўлга қўйилган. Инглиз тили, бадий гимнастика, таэквондо тўғараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

— Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган алоҳида эътибор соҳада янги ўзгаришлар жараёни-

### Кун мавзуси

**Кўп ва хўп гапирилган, кескин курашилаётган иллат борки, унинг кномини коррупция, дея атаймиз. Афсуски, бугун ҳар бир давлатда коррупцияга қарши кескин чоралар қўлланилаётган бўлса-да, уни батамом йўқ қилиш имконсиз бўлиб қолмоқда.**

## БАРЧА УЧУН БИР ХИЛ МЕЗОН

**ёхуд коррупциядан қўтилиш мумкинми?**

Коррупцияга қарши курашишнинг институционал тузилмаси сифатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, ҳозирги кунда мазкур идора UNODC (БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси), UNDP (БМТ Тараққиёт дастури) ва OSCE (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши бу борда давлат сиёсатини амалга ошириш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида яна айрим йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, коррупцияга қарши курашнинг превентив чоралари самарадорлигига эришиш. Мазкур йўналишга кўра,

коррупциянинг олдини олишнинг назарий пойдевори «таълим, хабардорлик ва тарғибот» тамойилларига асосланиб, амалий томондан «самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик» тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқиш керак. Масалан, бу сиёсат Сингапурда «one size fits all» (барча учун бир хил мезон) модели асосида ишлаб чиқилган. У асосида коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда ҳолис ва шаффоф баҳолаш тизими йўлга қўйилган.

Шунингдек, давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан фаол ҳаракатини таъминлаш, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур. Афсуски, мамлакатимизда аниқ статистика ва мақбул далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги коррупцияга қарши курашишда ижобий натижага эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Бундан ташқари, жамиятнинг ҳар бир соҳасида, ху-

сусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида халқаро ҳужжатларда назарда тутилган «ноқонуний бойлик орттириш», «учинчи шахсларнинг молдий манфаатларини кўзлаб, таъмагирлик қилиш» каби хатти-ҳаракатларни криминализиация қилиш масалаларини кўриб чиқиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Энг асосийси, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг бажарилишидир. Бу борда мониторинг жараёнида самарали ҳуқуқий механизмнинг етарли эмаслиги, давлат хизматчиларининг этика қоидаларига риоя қилиш даражасининг пастлиги, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда номумогагина ишлаётгани каби масалаларни ҳал қилиш мумкин.

Дунё таърибасига кўра, коррупцияга қарши курашиш уч босқичда амалга оширилади. Хусусан, жамият аъзолари фаол иштирокини кучайтириш учун маълумотларни эркин олиш имкониятини яратиш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш ва олдини олиш ҳамда коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш, бартараф этишда жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг аниқ тизимининг амалда ишлашига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур тенденциядан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришнинг янги инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, коррупция ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва баҳолашнинг реал, ҳаётий, ҳолис ва шаффоф индикаторларини белгилаш лозим.

**Бахшилло ХОДЖАЕВ,**  
**Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот**  
**институтининг директори**  
**ўринбосари вазифасини бажарувчи**



22-24 март кунлари илк Тошкент халқаро ярим марафони (21 километр 97,5 метр) бўлиб ўтади. У Наврўз байрамига бағишланади.

## «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё»

**Маълумки, Марказий Осиёда экологик барқарорликни таъминлашда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, тупроқ шўрланиш даражасини камайтириш, умуман, минтақа давлатлари томонидан «яшил иқтисодиёт»га ўтиш асосий омил саналади.**

амалга оширилди. 2016-2018 йилларга мўлжалланган иккинчи лойиҳа Марказий Осиё мамлакатларида барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган мулоқотни мустаҳкамлаш, атроф-муҳит, иқлим ўзгаришларига қарши курашишда Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни кўзда тутди.

— «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» мулоқотининг бу гали анжумани сув билан боғлиқ муаммолар бўйича ҳамкорликнинг янги усул ва ёндашувларини ишлаб чиқиш учун қулай имконият яратди, — деди **Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Питер Буриан**. — Бугун минтақа мамлакатлари ўртасида сув ресурсларини оқилона бошқариш, трансчегаравий дарёлардан самарали фойдаланиш, қолаверса, иқлим ўзгаришларига қарши курашишда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада, табиатни муҳофаза қилиш, «яшил иқтисодиёт»га ўтиш каби муҳим тақдирларни ишлаб чиқиш имкони пайдо бўлмоқда.

Халқаро анжуманда «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» платформасининг 2015-2018 йилларда амалга оширган

ишлари натижаси хусусида ҳам маълумот берилди. Шунингдек, Оролбўйи ҳудудидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини қўллаб-қувватлаш, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасида минтақавий шерикликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Келгусидаги устувор йўналишлар белгилаб олиниб, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан Италиянинг Атроф-муҳит, ер ва денгиз ресурслари вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

**Хайрулло АСТАНАҚУЛОВ,**  
«Жамият» мухбири



Пойтахтимизда ўтказилган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» VI конференцияси айнан ўзаро ҳамкорлик масалаларини янги bosқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Италия, Франция, Буюк Британия, Латвия, Словакия, Венгрия, Чехия, Руминия каби мамлакатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ташкилотлари мутахассислари иштирок этган тадбир атроф-муҳит ва сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳаракатларнинг мантқий давоми бўлди.

Маълум қилинишича, 2009 йилда Италия ташаббуси билан Европа Иттифоқи шафелигида ташкил этилган ушбу тадбир ўтган йиллар давомида минтақа мамлакатларининг иқлим ўзгариши, экологик вазиятни тиклаш бўйича икки ва кўп томонлама ҳамкорлигининг муҳим шартига айланди. Унинг доирасидаги илк лойиҳа 2012-2014 йилларда

## «Анъаналарни тикла — дарахт эк!»

**Нодават нотижорат ташкилоти сифатида 26 йилдан буён фаолият юритиб келаётган «ЭКОСАН» халқаро хайрия жамоат фонди аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида турли тадбирларни ўтказиб келмоқда.**

Хусусан, экологик саналарга бағишлаб, Тошкент шаҳрининг бир қатор мактабгача таълим муассасаларида «Табиат болалар нигоҳида», «Ер бизнинг умумий уйимиз» каби мавзуларда болажонлар иштирокида байрам тадбирлари ташкиллаштирилди.

Шунингдек, Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фондининг «Анъаналарни тикла — дарахт эк!» грант лойиҳаси доирасида Қашқадарё вилоятидаги таълим муассасаларида 20 мингдан ортиқ эман ва глидичие дарахт кўчатлари ўтказилди. Оролбўйи ва чегара ҳудудларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига, тиббиёт муассасаларида даволанаётган беморларга бош оғриғи, қўрқув, доимий руҳий зўриқиш, гипертония, сурункали юрак етишмовчилиги касалликларини даволашга мўлжалланган «Триоголен» дори воситаси тарқатилди.

**Мирқарим МИРСОВУРОВ,**  
«ЭКОСАН» фондининг  
Тошкент шаҳар филиали директори



**Жорий йилдан Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги қир-адирликларда ташқи инвестиция ҳисобига нархи 30 миллион сўмгача бўлган ихчам, қулай ва арзон замонавий уйлар қурилиши бошланади.**

## Қачонгача дуч келган ерга чиқинди ташлаймиз?

**Ўзбекистон экологик ҳаракати Сирдарё вилояти ҳудудий бўлини маси томонидан Боёвут ҳамда Мирзаобод туманларидаги мавжуд чиқиндиҳоналарда санитария-гигиена талабларига риоя қилиниши юзасидан экологик рейд ўтказилди.**



чиқиндилар «Тоза ҳудуд» корхонаси томонидан олиб чиқиб кетилди.

Тадбир давомида марказий чиқиндиҳоналардаги аҳвол ачинарли эканлиги маълум бўлди. Чиқиндилар ҳар ерга ташлаб кетилган. Уларни тозалаш, олиб кетиш ишлари ҳам кечикмоқда. Айрим жойларда аҳоли томонидан ноқонуний чиқиндиҳоналар ташкил этилган. Шунингдек, аҳоли яшаш пунктларидан ўтган ички зовурларга чиқинди ташланиши кузатишмоқда. Рейд жараёнида дуч келинган муаммолар бартаараф этилиб,

**Экоҳаракатнинг Сирдарё вилоят ҳудудий бўлини маси**

## Оролга мадад



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси фаоллари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида «Оролга мадад» шиори остида хайрия ҳашари ўтказилди.**

ва Ер қуррасининг бошқа ҳудудларига тарқалади. Улар ҳавога кўтарилишининг олдини олишнинг энг мақбул йўли қуриган денгиз ҳудудига саксувал уругини экиб, ўрмонзор барпо этишдир.

Давлатимиз раҳбарининг Орол денгизининг қуриган тубига жорий йилда 500 минг гектар ўрмонзор барпо этиш бора-сидаги топширигига асосан Хоразм вило-



ятининг Богот туманидаги Найман қишлоғи аҳолиси кўмағида 200 килограммга яқин саксувал уруғи тўпланиб, Мўйноқ туманида ўрмонзор яратиш бўйича ташкил этилган штабга етказиб берилди.

**Камолбек ЖУМАНИЕЗОВ,**  
Экоҳаракатнинг Хоразм вилоят бўлини раҳбари

Айтиш жоизки, қуриган денгиз тубидан ҳар йили юз миллион тоннадан ортиқ қум ҳамда туз зарралари минтақага

## ● Бош нега оғрийдими?

**М**утахассисларнинг фикрича, сўнгги йилларда тиббиётда маълум бўлган 10 мингдан ортиқ касалликларнинг 100 га яқинида бош оғриғи асосий аломат сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, 300 дан ортиқ касалликларда унинг асоратлари учрайди.



Бош оғриғини йўқотиш учун осойишталик, тинчлик, узоқ фикрлашга барҳам беришдан кўра яхши даво йўқ, аслида. Мизож ўзгариши, шамоллаш, ўта диққат бўлиш, қаттиқ чарчаш, заҳарланиш, табиий таъсирлар, тунги уйқунинг бир маромда ва давомий эмаслиги ҳамда бошқа омиллар ушбу касалликнинг асосий сабабларидан ҳисобланади. Уни даволашда ана шу омилларни ҳисобга олиш даркор.

Оғриқдан таблеткаларсиз қутулишга уринган маъқул. Ана шундай усуллардан бири бошни компресс қилишдир. Муздай сувга ботирилган матони пешона ва чаккага қўйиб, дам олиш яхши

самара беради. Яна ҳам фойда бериши учун сувга туз (0,5 литр сувга 1 ош қошиқ) ёки сирка (1 литр сувга 1 ош қошиқ) қўшиш мумкин.

Чой — бош оғриғига қарши синалган воситадир. Қора ёки кўк чойни дамлаб ялпиз қўшамиз. Таъбга кўра, шакар ҳам қўша бўлади. Иссиққина ичсангиз оғриқ 10-15 дақиқада ўтиб кетади. Ялпиз, эфир мойи ҳам яхши самара беради. Бу мойлар билан чаккалар уқаланади. Елка ва бўйин ҳам қўшиб уқаланса, чарчоқни олиб, тез фойда беради. Оддий сув ёрдамида ҳам бош оғриғидан халос бўлиш мумкин. Бош оғриғининг оддий ва кўп учрайдиган сабабларидан бири — сувсизла-

нишидир. Айниқса, иссиқ об-ҳавода ёки спорт билан шугулланганда одам ўзида чанқоқ сезади. Шундай экан, кун давомида етарли миқдорда тоза сув ичиш бош оғриғининг олдини олади.

Шифокорлар бош оғриғидан олма шарбатини тез-тез ичиб туришни тавсия этиши бежиз эмас. Чунки олма таркибида мавжуд бўлган дармондорилар меванинг шифобахшлигини таъминлайди. Кучли бош оғриғини кечираётган беморга эса ҳар куни овқатдан олдин бир чой қошиқ асал билан шунча миқдордаги олма сиркаси аралашмасини истеъмол қилиш тавсия этилади.

Нурия АШУРАЛИЕВА тайёрлади.

## Равшан Эрматов финалда!

Бирлашган Араб амирликларида бўлиб ўтаётган футбол бўйича Осиё кубоги баҳсларининг финал учрашуви бугун ўтказилади.

Япония ва Қатар терма жамоалари ўртасидаги ўйинни ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқаради. Унга қанотларда Абдухамидулло Расулов ва Жаҳонгир Саидовлар ёрдам беради. Эслатиб ўтамиз финал Тошкент вақти билан соат 19:00 да бошланади.



## Кучлилар Тошкентда тўпланди



1-2 февраль кунлари пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби спорт мажмуасида дзюдо бўйича халқаро турнир бошланади.

Ўнинчи бор ташкил этилаётган мусобақада юртимиз полвонларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган спортчилар гиламга чиқади. Халқаро турнирда жами 16 та вазн тоифасида голиб ва совриндорлар аниқланади.

## ЭЪЛОН



I OPEN CENTRAL ASIA FENCING  
CONFEDERATION CHAMPIONSHIP,  
JUNIORS & CADETS  
FEBRUARY 15-17, 2019, TASHKENT

## ТОШКЕНТДА МАҲОРАТЛИ ҚИЛИЧБОЗЛАР БЕЛЛАШУВЛАРИ!

2019 йил 15-17 февраль кунлари Тошкентда Марказий Осиё қиличбозлик Конфедерациясининг ўсмирлар ва кадетлар ўртасида I Очiq Чемпионати бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан барча қиличбозлик спорти ихлосмандларини ушбу халқаро мусобақалар бўлиб ўтадиган пойтахтимиздаги Гимнастика спорт саройига таклиф қиламиз!



## В ТАШКЕНТЕ ПОЕДИНКИ ИСКУСНЫХ ФЕХТОВАЛЬЩИКОВ!

15-17 февраля 2019 года в Ташкенте состоится I Открытый Чемпионат Конфедерации фехтования Центральной Азии среди юниоров и кадетов.

Приглашаем всех любителей фехтования на эти международные соревнования, проводимые в столичном Спортивном комплексе по гимнастике!

Б-ХАВО	
+10°C	+3°C
+13°C	+5°C
+14°C	+6°C
+10°C	+1°C
+2°C	-6°C
-3°C	-9°C
+1°C	-7°C

ob-havo.uz сайтидан олинган

## ЖАМИЯТ

**Муассислар:**  
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

**Бош муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Рустам Комилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихон  
Акмал Саидов  
Саид-Абдулазиз Юсупов  
Шавкат Жавлонов  
Руфат Нейматов  
Феруза Мирзакомиллова

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-214 Адади: 2504.

Жума кuni чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

**Навбатчи:** Баҳринисо Мадумарова

**Дизайнер:** Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 42.

Маълумот учун телефон: (71) 233-72-77, 236-10-87.

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА яқуни:

Топширилган вақти: 21.15

1 2 3 4 6